

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 октябрь куни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Россия” форматидаги иккинчи саммитда иштирок этди.



Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон раислигида ўтган тадбирда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, кўп томонлама шериклики янада ривожлантириш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни

кенгайтириш масалалари, шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Россия Президенти Владимир Путинга Марказий Осиё билан кенг қўламли стратегик шериклики ривожлантириш тарафдори бўлиб келаётгани учун миннатдорлик билдириб, унинг табиий шериклар бўлган мамлакатларимиз ҳамкорлигига янги суръат беришга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

— Россия биз учун муҳим, устувор стратегик шерик ва иттифоқчи бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолишини таъкидлайман. Умумий тарих, кўп асрлик алоқалар, халқларимизнинг маданий ва дунёқараш жиҳатдан яқинлиги, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ва ишончли муносабатлар бундай ҳамкорликнинг мустаҳкам ва ўзгармас асоси ҳисобланади, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Жаҳон иқтисодиётидаги тобора кучайиб бораётган геосиёсий кескинлик ва инқирозли

ҳолатлар, шунингдек, юзага келаётган янги хавф-хатар ва таҳдидлар “Марказий Осиё — Россия” форматида янада яқин мувофиқлашув ва ҳамкорликини тақозо этаётгани қайд этилди.

Шу маънода, Ўзбекистон етакчиси минтақа мамлакатларининг Россия билан ҳамкорлиги истиқболлари юзасидан ўз нуқтани назарни баён қилди.

Энг аввало, тизимли сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш ва аниқ натижага қаратилган амалий ҳамкорликини кенгайтириш муҳим экани таъкидланди.

Шу боис, Ўзбекистон Президенти ҳар йили олий даражадаги учрашувларни, ҳукуматлар, вазирликлар, идоралар ва ҳудудларнинг мунтазам мулоқотларини ўтказиш муҳимлигини таъкидлади.

2027 йилга қадар қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинишини қўллаб-қувватлаб, давлатимиз раҳбари амалий ҳамкорликини кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган янада батафсил “йўл харитаси”ни тайёрлашни таклиф этди.

Топшириқларни ўз вақтида бажариш, минтақавий аҳамиятга молик дастур ва лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда жадаллаштириш мақсадида ҳукумат раҳбарлари ўринбосарлари даражасида Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш муҳимлиги қайд этилди.

Иқтисодий шериклики тубдан кенгайтириш минтақа билан Россия ҳамкорлигининг асосий йўналиши бўлиши керак. Ўзаро савдо кўрсаткичларида ижобий суръат кузатилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — РОССИЯ” ФОРМАТИДАГИ ИККИНЧИ САММИТДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Аввало, анъанавий самимий қабул ва учрашувимизни юксак даражада ташкил этгани учун Тожикистон Республикаси Президенти ҳурматли Эмомали Шарипович Раҳмон шайнига билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшилиман.

Биз ҳар сафар Тожикистонга ташриф буюрар эканмиз, Сизнинг раҳбарлигингизда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганига гувоҳ бўламиз. Кўз ўнгимизда мамлакат қиёфаси тубдан ўзгармоқда — иқтисодиёт ва инфратузилма жадал ривожланмоқда, энг асосийси — аҳоли фаровонлиги ошиб бормоқда.

Россия Федерацияси Президенти ҳурматли Владимир Владимирович Путинга Марказий Осиё билан кенг қўламли стратегик шерикликини ривожлантиришнинг қатъий тарафдори бўлиб келаётгани учун самимий ташаккур изҳор этаман.

Сизнинг минтақа билан иттифоқчилик муносабатлари ва кўп қиррали ҳамкорликини мустаҳкамлаш масалаларидаги доимий қўллаб-қувватлашингиз ва шахсий эътиборингизни Ўзбекистон доимо ҳис этиб келиши ва қадрлашини алоҳида қайд этмоқчиман.

Сиз илгари сурган, табиий шериклар бўлган мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигига янги суръат беришга қаратилган ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Хурматли давлат раҳбарлари!

Россия биз учун муҳим, устувор стратегик шерик ва иттифоқчи бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолишини таъкидлайман.

Умумий тарих, кўп асрлик алоқалар, халқларимизнинг маданий ва дунёқараш жиҳатдан яқинлиги, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ва ишончли

муносабатлар бундай ҳамкорликнинг мустаҳкам ва ўзгармас асоси ҳисобланади.

Шу билан бирга, геосиёсий зиддиятлар ва жаҳон иқтисодиётида инқироз ҳолатлари кучайиб бораётгани, янги хавф ва таҳдидлар минтақада барқарорликини таъминлаш йўлида бизнинг форматимиз доирасида янада яқин мувофиқлаштириш ва ҳамкорликини талаб этмоқда.

Кун тартибидан келиб чиқиб, Марказий Осиё ва Россия ўртасидаги кенг миқёсдаги ҳамкорликини ривожлантириш истиқболлари бўйича ўз қарашларимизни айтиб ўтмоқчиман.

Биз ушбу форматда аниқ натижага эришишга йўналтирилган тизимли сиёсий мулоқотларни кучайтириш ва амалий ҳамкорликини кенгайтириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Биз ҳар йили олий даражадаги учрашувларни, ҳукуматлар, вазирлик, идора ва минтақаларнинг мулоқотларини мунтазам равишда ўтказиб бориш тарафдоримиз. Шу муносабат билан 2027 йилгача бўлган Қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинишини қўллаб-қувватлаймиз.

Шу билан бирга, ҳукуматларимизга амалий ҳамкорликини чуқурлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган кенгайтирилган “йўл харитаси”ни тайёрлаш бўйича топшириқ беришни таклиф этамиз.

Топшириқларимиз ўз вақтида ижро этилаётганини назорат қилиш, минтақавий аҳамиятга эга бўлган дастур ва лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширилишини тезлаштириш учун ҳукумат раҳбарлари ўринбосарлари даражасида Мувофиқлаштирувчи кенгаш таъсис этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биз минтақамизнинг Россия билан иқтисодий шериклигини тубдан кенгайтиришдан манфаатдоримиз. Бунинг биргаликдаги фаолиятимизнинг асосий йўналиши, деб ҳисоблаймиз.

Бозорларда ноқулай конъюнктура сақланиб қолаётган ва ташқи таъсирлар кучайиб бораётган шароитда ўзаро савдо кўрсаткичларида ижобий ўсиш суръатларини таъминлашга эришмоқдамиз. Жумладан, ўтган йил якунлари бўйича ва жорий йилда Ўзбекистоннинг Россия ва минтақа мамлакатлари билан ўзаро товар айланмаси 15 фойзга ўсди.

Бу ишларни давом эттириш ва биз таклиф этаётган Кенгаш доирасида махсулот айирбошлаш ҳажминини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу ўринда сўз махсулот бозорларига ўзаро киришни енгиллаштириш, жараёнларни соддалаштириш, “Марказий Осиё — Россия агроэкспресс” лойиҳасини ишга тушириш ҳақида бормоқда.

Мамлакатларимизнинг транзит-транспорт салоҳиятидан, биринчи навбатда, Шимол — Жануб йўлаги доирасида самарали фойдаланиш ҳаётий муҳим аҳамият касб этади.

Биз автомобиль, темир йўл ва авиация алоқалари соҳасида миллий дастурларни уйғунлантириш ва шу асосда инфратузилмaviй шерикликнинг комплекс режаси — мамлакатларимиз Транспорт-логистика контурини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Ташқи хавф-хатарларга нисбатан барқарор бўлган интеграциялашган, ўзаро боғлиқ минтақавий транспорт инфратузилмасини шакллантириш бизнинг пировард мақсадимиз бўлиши зарур.

Биз барқарор ишлаб чиқариш закирларини яратиш ва саноат кооперациясини чуқурлаштиришни яна бир устувор йўналиш сифатида кўрамиз.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Россиянинг етакчи компаниялари билан саноат бўйича шериклики фаол кенгайтирмоқда. Шу борада газ-кимё соҳасида йирик стратегик саноат лойиҳалари амалга оширилаётгани ва замонавий мис бойитиш хаби яратилаётганини мисол сифатида келтириб ўтишни истар эдим.

Айни вақтда машинасозлик, асбоблар ишлаб чиқариш, кимё, электротехника, тоғ-кон ва бошқа соҳаларда кластер асосида ҳамкорликини кенгайтириш учун ҳали ишга солинмаган улкан захиралар мавжуд.

Етакчи корхоналар ва хусусий секторнинг инновацияга йўналтирилган кооперациясини рағбатлантириш учун Бухоро шаҳрида “Марказий Осиё — Россия” саноат инжиниринг хабини ташкил этишни таклиф қиламиз. Ушбу лойиҳа илгор муҳандислик ечимларини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва оммалаштириш учун ноёб технологик майдончага айланишига ишонаман.

Тошкентда ўтказиладиган “Иннопром. Марказий Осиё” кўргазмали форум имкониятларини юқори даражада ишга солиш муҳим эканини қайд этмоқчиман. Апрель ойида ўтказилган кўргазма 35 мамлакатдан 10 мингдан ортиқ иштирокчиларни бирлаштирди. Беш миллиард долларлик битимлар имзоланди.

Ушбу тадбирга “Марказий Осиё — Россия” мулоқоти форматидаги асосий саноат ва инновация майдони мақомини беришни таклиф этамиз.

Давоми 2-бетда

## ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 октябрь куни амалий ташриф билан Тожикистон Республикасига келди.

Душанбе халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида Ўзбекистон етакчиси Тожикистон Президенти Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига расиисли самарали бўлган самимий табриклади ҳамда “Марказий Осиё — Россия” форматидаги бўлажак учрашув ва МДҲ саммити муваффақиятли ўтишини тилади.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Икки томонлама ҳамкорлик ижобий суръатда ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ва юк ташиш ҳажми, авиақатновлар сони ортиб бормоқда.

Ўзаро савдонини кўпайтириш, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинув ва сермахсул ҳудудлараро алоқаларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик асосий масалалар, шу жумладан, жорий йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш юзасидан батафсил фикр алмашилди.

ЎЗА

## ИЖТИМОЙ АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚИЙИН ВАЗИЯТДАГИ ОИЛАЛАР ТАҚДИРИНИ ЎЗГАРТИРАЁТГАН ТИЗИМГА НАЗАР

Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини ривожлантириш ва рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш мамлакатимиздаги ислохотларнинг устувор йўналишидир. Бу борада ижтимоий ҳимоя тизимидаги янгиланишларнинг аҳамияти катта.

Сўнгги йилларда бу жабҳадаги ишлар натижасида ижтимоий ҳимоя тизими янги bosқичга олиб чиқилиб, марказлашган ягона тизим сифатида шакллантирилди. Туман ва шаҳарларда

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, ҳар бир маҳаллада ижтимоий ҳодимлар фаолияти йўлга қўйилди.

Давоми 3-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — РОССИЯ” ФОРМАТИДАГИ ИККИНЧИ САММИТДАГИ НУТҚИ

## ► Бошланиши 1-бетда

Хурматли ҳамкасблар!

Мамлакатларимизнинг Россия билан энергетика соҳасидаги ҳамкорлиги бундан буён ҳам минтақанинг тинчлиги ва барқарорлиги омили бўлиб қолади. Биз бугун стратегик, жумладан, газ қуурлари ва энергетика инфратузилмаларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширяпмиз.

Шу кунларда тарихий бир воқеа бўлиб ўтади — Ўзбекистонда барпо этиладиган атом электр станциясининг биринчи реактори ва кўптармоқли ядро тиббиёти маркази қурилиши бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга старт берилди.

Ушбу йўналишда кенг қўламли илмий-амалий ҳамкорлик ўрнатишни — Ўзбекистонда атом энергетикаси бўйича Минтақавий компетенциялар марказини таъсис этиш, шунингдек, Москва давлат муҳандислик-физика институтининг Тошкент филиали базасида кадрлар тайёрлаш дастурини қабул қилишни тақлиф этамиз.

Бундан ташқари, углеводород ресурсларини қидириш ва қайта ишлаш, электр энергетикаси тизимини модернизация қилиш, энергияни тежайдиган ечимларни жорий этиш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ниятидамиз.

Илгор билим ва технологиялар трансфери, қўшма лойиҳаларни тайёрлаш ва илгари суриш учун “Марказий Осиё ва Россия энергетик шериклиги” комплекс дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Инновациялар соҳасида мамлакатимизда “Сколково” маркази филиалини очишни тақлиф этамиз.

Сунъий интеллект ва рақамли технологиялар бўйича Минтақавий эксперт кенгашини таъсис этишни даврнинг ўзи талаб этмоқда, деб ҳисоблаймиз. Ишончим комил, бундай платформа етакчи марказлар, ташкилотлар ва IT компаниялар даражасида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва лойиҳалар бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш учун имкон яратади.

Биз, шунингдек, қўшма дастурларни амалга ошириш йўли билан гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ниятидамиз. Шу борада этномаданият форуми — Марказий Осиё ва Россия халқлари маданияти, санъати ва ижодиёти фестивалини ҳар йили ўтказиб бориш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

“Келажақ муҳандислари” илмий-таълим консорциумини ташкил этишни тақлиф қиламиз. Бу мулоқот

майdonи дуал ва профессионал таълим тизимини жорий этиш, фундаментал илмий ишланмаларни амалга ошириш мақсадида мамлакатларимизнинг етакчи олийгоҳлари ва тадқиқот тузилмалари салоҳиятини бирлаштиришга хизмат қилади.

Россия университетларининг муваффақиятли ишлайётган филиаллари консорциумнинг интеллектуал базаси бўлиши мумкин. Ўзбекистонда 15 та ана шундай филиаллар фаолият юритмоқда.

Бу борада Марказий Осиё ва Россиядаги ёш тадқиқотчилар ва олимлар учун Махсус грантлар дастурини биргаликда таъсис этишимиз мумкин.

Бундан ташқари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, меҳнат миграцияси соҳасида ижтимоий мослашувга кўмаклашиш дастурларини қабул қилиш, шунингдек, минтақавий йўналишлар асосида сайёҳлик оқимини кенгайтириш долзарб аҳамиятга эга.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалаларида алоҳида тўхталиб ўтишни истар эдим.

Терроризм, экстремизм, радикализм, уюшган жиноятчилик, одам савдоси ва наркотрафикларга қарши курашда махсус хизматлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг яқин ҳамкорлигини янада кенгайтириш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Янги кибертаҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича биргаликда чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақлиф этамиз.

Афғонистон билан ҳамкорликни ривожлантириш ва ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий эттиришга кўмаклашиш бўйича ёндашувларни мувофиқлаштириш мақсадида юқори даражадаги маслаҳатлашувларни ўтказиш имкониятларини кўриб чиқишни тақлиф этамиз.

Хавфсизлик соҳасида ўзаро ҳамкорлик, мазкур мамлакатда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ушбу учрашувлар кун тартибига киритилиши мумкин.

Хурматли ҳамкасблар!

Сўзининг якунида мамлакатларимиз хавфсизлиги, барқарор тараққиёти ва фаровонлигини таъминлаш йўлида Россия билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга содиқ эканимизни яна бир бор таъкидламоқчиман.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ КўП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

## ► Бошланиши 1-бетда

Хусусан, ўтган йил ва жорий йилда Ўзбекистоннинг Россия ва минтақа мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 15 фоизгача ошди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолияти доирасида товар айирбошлаш ҳажминини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тақлиф қилинди.

Бозорларга киришни ўзаро енгиллаштириш, тартиб-таомилларни соддалаштириш, “Марказий Осиё — Россия агрозекспресс” лойиҳасини ишга тушириш шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз транзит-транспорт салоҳиятидан, энг аввало, “Шимол — Жануб” йўлаги доирасида самарали фойдаланиш гоят муҳим эканини таъкидлади.

— Биз автомобиль, темир йўл ва авиация алоқалари соҳасида миллий дастурларни уйғунлантириш ва шу асосда инфратузилмавий шерикликнинг комплекс режаси — мамлакатларимиз Транспорт-логистика контурини ишлаб чиқишни тақлиф этамиз. Ташқи хавф-хатарларга нисбатан барқарор бўлган интеграциялашган, ўзаро боғлиқ минтақавий транспорт инфратузилмасини шакллантириш бизнинг пировард мақсадимиз бўлиши зарур, — деди Президент.

Яна бир устувор йўналиш сифатида барқарор ишлаб чиқариш занжирларини яратиш ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш белгиланди. Шу маънода, бугунги кунда Ўзбекистон Россиянинг етакчи компаниялари билан саноат кооперациясини фаол кенгайтираётгани, газ-кимё тармоғида йирик стратегик лойиҳалар амалга оширилаётгани, замонавий мис бойитиш хаби ташкил этилаётгани таъкидланди.

Шу билан бирга, машинасозлик, аниқ асбоб-созлик, кимё, электротехника, тоғ-кон ва бошқа тармоқларда ҳамкорликни кластер асосида кенгайтириш учун улкан захиралар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Етакчи корхоналар ва хусусий секторнинг инновацияларга йўналтирилган кооперациясини рағбатлантириш мақсадида Бухоро шахрида илгор муҳандислик ечимларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва кўпайтириш учун ноёб технологик майдон бўлиши мумкин бўлган “Марказий Осиё — Россия” саноат инжиниринг хабини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Мамлакатимиз етакчиси Тошкентдаги “Иннопром. Марказий Осиё” кўргазма-форуми имкониятларини максимал даражада ишга солиш муҳимлигини таъкидлади.

Жорий йил апрель ойида ўтказилган бешинчи кўргазмада 35 мамлакатдан 10 мингдан зиёд

иштирокчи қатнашди. 5 миллиард долларлик битимлар тузилди. Ушбу тадбирга “Марказий Осиё — Россия” мулоқоти форматидаги бош индустриал ва инновацион майдон мақомини бериш тақлиф қилинди.

Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, Россия билан энергетика соҳасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам минтақа барқарорлигининг омили бўлиб қолади. Бугунги кунда газ қуурлари ва энергетика инфратузилмасини ривожлантириш бўйича стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

— Шу кунларда тарихий бир воқеа бўлиб ўтади — Ўзбекистонда барпо этиладиган атом электр станциясининг биринчи реактори ва кўптармоқли ядро тиббиёти маркази қурилиши бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга старт берилди, — деди Президент.

Ушбу йўналишда кенг илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш — Ўзбекистонда Атом энергетикаси бўйича минтақавий компетенциялар марказини таъсис этиш, шунингдек, Москва муҳандислик-физика институтининг Тошкент филиали негизида Кадрлар тайёрлаш дастурини қабул қилиш тақлиф қилинди.

Углеводородларни излаш ва қайта ишлаш, электр энергетикасини модернизация қилиш, энергия тежамкор ечимларни жорий этиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш нияти билдирилди.

Илгор билим ва технологиялар трансфери, қўшма лойиҳаларни тайёрлаш ва илгари суриш мақсадида “Марказий Осиё — Россия энергетика шериклиги” комплекс дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Инновациялар соҳасида “Сколково” марказининг минтақа мамлакатларида филиалларини очиш тақлиф этилди.

Шунингдек, етакчи марказлар, ташкилотлар ва IT компаниялар даражасида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва лойиҳавий ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини берувчи Сунъий интеллект ва рақамли технологиялар бўйича минтақавий эксперт кенгашини таъсис этиш зарурлиги қайд этилди.

Гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ҳар йили Этномаданият форуми — Марказий Осиё ва Россия халқлари маданияти, санъати ва ижоди фестивалини ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Бундан ташқари, дуал ва профессионал таълим тизимини жорий этиш, фундаментал илмий ишланмаларни амалга ошириш учун етакчи олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот тузилмаларининг салоҳиятини бирлаштиришга қаратилган “Келажақ муҳандислари” илмий-

таълим консорциумини ишга тушириш тақлиф қилинди. Минтақа мамлакатларида муваффақиятли фаолият юритаётган Россия университетларининг филиаллари Консорциумнинг интеллектуал базаси бўлиши мумкинлиги таъкидланди. Ўзбекистонда уларнинг сони 15 тани ташкил этади.

Шунингдек, Марказий Осиё ва Россиянинг ёш тадқиқотчи ҳамда олимлари учун махсус грант дастурини таъсис этиш тақлиф қилинди.

Ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун болалар ва оналар саломатлигини муҳофаза қилиш, меҳнат миграцияси соҳасида ижтимоий мослашувга кўмаклашиш, шунингдек, минтақавий йўналишлар асосида сайёҳлар оқимини кенгайтириш бўйича дастурлар қабул қилиш долзарблиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Президенти минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталди.

— Терроризм, экстремизм, радикализм, уюшган жиноятчилик, одам савдоси ва наркотрафикларга қарши курашда махсус хизматлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг яқин ҳамкорлигини янада кенгайтириш муҳим, деб ҳисоблаймиз. Янги кибертаҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича биргаликда чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақлиф этамиз, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Ҳамкорликни кенгайтириш ва Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига кўмаклашиш борасидаги ёндашувларни мувофиқлаштириш мақсадида олий даражадаги маслаҳатлашувлар ўтказиш имкониятини кўриб чиқиш тақлиф қилинди. Мазкур учрашувлар кун тартибидан хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик, ушбу мамлакат барқарорлиги ва тараққиётини таъминлашга қаратилган иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ўрин олиши мумкин.

Сўзининг якунида Ўзбекистон Президенти минтақавий барча мамлакатлари хавфсизлиги, барқарор тараққиёти ва раванқини таъминлаш йўлида Россия билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга интилиши қатъий эканини яна бир бор таъкидлади.

Саммит давомида бошқа давлатлар раҳбарлари ҳам сўзга чиқди.

Тадбир якунида Қўшма коммюнике ва устувор йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича 2025-2027 йилларга мўлжалланган Қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

НУҚТАИ НАЗАР



1

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

АХМЕД РЕЙМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими бошлиғи, академик



Тез суръатда ўзгараётган ва ривожланаётган дунёда ёш авлоднинг ёлғизлиги ҳамда ватанпарвар руҳда камол топиши ҳар бир давлат тараққиётининг асосий шартларидан бирига айланмоқда. Шу маънода, ёшлар тарбияси нафақат миллий сиёсатнинг, балки бутун инсоният келажагининг муҳим пойдеворидир.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 80-сессиясида сўзлаган нутқида илгари сурилган ғоялар бу йўналишдаги сиёсатнинг изчил ва чуқур мазмун касб этганини яққол намоён этди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Эртанги кунимиз, дунёнинг тақдири ва фаровонлиги ўсиб келаётган ёш авлод қўлида. Ёшларимиз қалби ва онига тинчлик, инсонпарварлик ва дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби олижаноб ғояларни сингдириш долзарб вазифамиздир”.

“Ҳақон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни таъсис этиш ташаббуси ҳам айнан шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади. Бу ғоя, аввало, ёшларнинг глобал ҳамжиҳатлик ва тинчлик ғояси атрофида бирлашишга замин яратади.

Бу ташаббус мантиқий илдизларига эга. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеяси

22-сессиясида ҳам ёшлар ҳақида сўз юритиб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таълим ва маърифат орқали радикал ғоялар таъсиридан асраш муҳимлигини таъкидлаган эди. Ўтган вақт ичида бу ғоялар амалиётда изчил давомини топиб, ёшлар сиёсатида янги босқични бошлаб берди.

Тарбия жамиятдан инсоннинг шахс сифатида шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу орқали ёш авлод маънавий-ахлоқий ва маданий қадриятларни ўзлаштириб, уларни кундалик ҳаётда қўллаб олса, ижтимоий адолат, тинчлик ва тотувликни таъминлаш имкони ошади.

Ҳозир жамиятимизнинг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил қилади. Шу боис, келажагимиз, аввало, уларнинг тарбиясига боғлиқ. Яъни ёшлар тарбияси жамият ривожини белгилаб берувчи мустақкам замин. Уни мустақкамлашда таълим муассасалари, оила ва жамиятнинг ўрни катта.

Мақтаб ёшларда янги билимлардан бохабар бўлиш, янги соҳаларга қизиқиш уйғотиш ва ижодий қобилиятларни ривожлантириш имконини яратади. Шу билан бирга, ёшлар мактабда кўплаб дўстлар топиб, инсонларга ишонч ва ёрдам бериш хусусиятларини шакллантиради. Шунинг учун мактаб тарбиясини оила тарбиясидан кейинги муҳим бўғин сифатида қараш мумкин.

Демак, ёшлар масаласи мамлакатимиздаги изоҳотлар марказида турибди ва бу ғоянинг халқаро даражада илгари сурилиши Ўзбекистоннинг ёшларга оид сиёсатини янги босқичга кўтаради. Президентимиз ёшлар тарбиясига катта аҳамият қаратиб, уларнинг келажаги юрт ривожини учун асос эканини ҳар гал таъкидлайди. Барча масъуларни ёшлар билан боғлиқ ишларга ҳисса қўлишга чақиради.

Ҳозир жамиятимизнинг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил қилади. Шу боис, келажагимиз, аввало, уларнинг тарбиясига боғлиқ. Яъни ёшлар тарбияси жамият ривожини белгилаб берувчи мустақкам замин. Уни мустақкамлашда таълим муассасалари, оила ва жамиятнинг ўрни катта.

Замонавий даврда ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсир кўрсатишда янгича ёндашувлар талаб этилади.

Бугунги глобаллашув даврида интернет ва ижтимоий тармоқлар ёшларнинг кундалик ҳаётига чуқур кириб келди. Баъзи ёшлар интернетдаги манбалардан ўзларига зарарли, жамиятга ёт ғояларни ўрганоқда. Бу, ўз навбатида, бошқа маданиятларнинг миллий қадриятларга зарар келтириши, ёшларда ўз қадриятлари бефарқлик туйғусини пайдо қилиши мумкин. Буни улар шахсий эркинлик деб тушунар, лекин баъзи ҳолларда эркинлик тушунчаси тўғри талқин қилинмай, ёмон одат ва ёт ғояларга мойилликка олиб келмоқда.

Ёшлар келажақ бунёдкорлари, ҳар бир жамиятнинг ифтихори ва суянгичидир. Уларга тўғри тарбия бериш, маънавий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан баркамол этиб етиштириш жамият тараққиётининг

мақтабда нафақат билим олади, балки жамоада яшаш ва ишлаш, масъулиятли бўлиш ва одоб-ахлоқ қондаларини тушунишни ўрганади. Ўқитувчилар улар учун ибрат, устозлардан олинган насихатлар ва тажрибалар уларнинг ҳаётига йўл-йўриқ беради.

Мақтаб ёшларда янги билимлардан бохабар бўлиш, янги соҳаларга қизиқиш уйғотиш ва ижодий қобилиятларни ривожлантириш имконини яратади. Шу билан бирга, ёшлар мактабда кўплаб дўстлар топиб, инсонларга ишонч ва ёрдам бериш хусусиятларини шакллантиради. Шунинг учун мактаб тарбиясини оила тарбиясидан кейинги муҳим бўғин сифатида қараш мумкин.

Олий таълим — ёшларнинг баркамол шахс бўлиб етишишига хизмат қиладиган муҳим маскан. Бу ерда ёшлар нафақат аниқ бир йўналиш бўйича билимни чуқурлаштиради, балки мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш, жамоада ишлаш, масъулиятни ўз зиммасига олиш каби қўниқмаларни ҳам ўзлаштиради. Олий таълим муассасаларида ёшлар учун фан тўғрақлари, спорт клублари ва чет тилларни ўрганиш курслари каби турли имкониятлар яратилади, улар ўзини турли соҳаларда синаб кўриш имконига эга бўлади.

Олий таълимнинг яна бир аҳамиятли жиҳати талабаларга миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдиришидир. Бу масканда ёшларга ўз маданияти, тарихи, миллий мероси ҳақида таълим берилади. Устозлар билан учрашувлар, турли маънавий кечалар ва анжуманлар ёшларда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғуларини оширади.

“Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”. Буюк маърифатпарвар ва таълим-тарбия фидойиси Абдулла Авлонийнинг бу сўзлари ўз вақтида нақадар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозир ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Бинобарин, ватанимиз раванқи йўлида муносиб билим ва тарбияга эга, меҳнатсевар, ўз ишини мустақил бажара оладиган одобли ёшларни тарбиялаш барчамизнинг бурчимиздир.



# ИЖТИМОЙ АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ

## ҚИЙИН ВАЗИЯТДАГИ ОИЛАЛАР ТАҚДИРИНИ ЎЗГАРТИРАЁТГАН ТИЗИМГА НАЗАР



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
PREZIDENTI HUZURIDAGI

IJTIMOIIY HIMOYA  
MILLIY AGENTLIGI

Бошланиши 1-бегда

Маҳалла даражасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 100 дан ортиқ ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизими яратилди. Ногиронлиги бўлган шахсларга кўмаклашиш, жамиятта интеграция қилиш, сифатли протез-ортопедия ва реабилитация воситалари билан таъминлаш тизими такомиллаштирилди.

Президентимиз мустақиллигимизнинг 34 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда бу йўналишдаги кенг қамровли ислохотларнинг ўзига хос аҳамияти ва самараси ҳақида тўхталиб, битта бўлса ҳам қийин аҳволга тушиб қолган ҳамюртимизнинг тақдири барчамизни бирдек ташвишга солиши, зеро, халқимизнинг энг катта қудрати — меҳр-оқибат, саховат ва бирдамликда эканини таъкидлади. Бу сўзлар замирида халқимизнинг инсонпарварлик, эгуликка йўғрилган қадриятлари, мамлакатимизда инсон қадрини кўзлаб амалга оширилаётган ислохотларнинг асл моҳияти ўз аксини топган.

Шу боис, аҳолининг муҳтож қатламига йўналтирилган ижтимоий кўмак кўлами тобора кенгаймоқда. Бу борада “Ҳамроҳлик дастури”га мувофиқ, ота-она меҳридан маҳрум 11 минг боланинг таълим, касб-хунар, спорт тизимига қамраб олингани муҳим натижа бўлди. Эҳтиёжманд оилаларнинг 2,5 миллиондан зиёд аъзосига 110 турдаги ёрдам ва хизматлар

кўрсатиш йўлга қўйилди. Умуман, бу йилнинг ўзида ёрдамга муҳтож аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга 19 триллион сўм йўналтирилди. Буларнинг барчаси самара бериб, юртимизда камбағаллик даражаси 6,8 фоизга тушди. Халқаро ташкилотлар 5-6 йил олдин ушбу рақамни 35 фоиз атрофида баҳолаганини ҳисобга олсак, қисқа муддатда бу борада қандай катта йўлни босиб ўтганимиз аққол аён бўлади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида бу жабҳадаги ислохотлар изчил давом этапти. Бу жараёнда профессионал ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилди. Барча ҳудудда ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парваришлаш марказлари, ўзгалар парваришига муҳтож шахслар учун реабилитация хизматлари йўлга қўйилмоқда.

Президентимиз Наманган вилоятига ташрифи асносида ана шу йўналишда аҳолига хизмат кўрсатаётган муассасалар фаолияти билан танишар экан, юртимизда ҳеч ким эhtiбордан четда қолмаслиги, бундай ижтимоий лойиҳалар миқёси кенгайтирилишини таъкидлади.

Ижтимоий ҳимоя тизими мутахассислари ва экспертларнинг ушбу жабҳадаги ислохотлар мазмун-моҳияти, қилинаётган ишлар, эришляётган натижалар ва долзарб вазифалар хусусидаги фикрлари билан қизиқдик.



Инсон қадри учун

## КОМПЕНСАЦИЯ ВА ИМТИЁЗЛАР — ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

— Инсоннинг фаровон ва файзли ҳаёт кечириши кўплаб омиларга боғлиқ. Бу жараёнда, айниқса, хонадонимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, сув таъминоти тизими муҳим. Ушбу воситаларсиз турмуш ободлиги ва хотиржамлик ҳақида гапириш ҳам мушкул.

Аммо бугунги бозор тамойиллари ҳаётимизга тобора чуқур кириб келаётган замонда бундай воситалар нархини бир маромда сақлаш қийин. Нархларнинг ошиши эса энг аввал ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ҳаётига таъсир ўтказди. Шундай вазиятда бу қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш масаласи кун тартибига кўтарилади.

Хуршид ЗАФАРҲИЙ,  
Ижтимоий сиёсат  
лабораторияси директори:

Зиммасига ижтимоий давлат мақоми-ни олган мамлакатимиз учун бу, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда бозор механизмларига асосланган нарх ва ресурс тақсимооти жорий этилаётган бир пайтда ижтимоий адолат мезонлари ҳам қатъий сақланмоқда. Бозор ўзгаришларидан айрим аҳоли тоифалари зарар кўрмай, аксинча, давлат бераётган компенсация ва имтиёзлар орқали қўшимча қўллаб-қувватланипти.

Президентимизнинг шу йил 2 апрелдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишда эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айни шу мақсадга йўналтирилган. Ушбу қарор асосида ёқилғи-энергетика соҳасини ривожлантиришда икки муҳим устувор йўналиш уйғунлаштирилди. Бир томондан, тармоқда бозор механизмларини жорий этиш, самарадорлик ва рақобатни ошириш орқали



бутун иқтисодиёт учун барқарор манфаатлар таъминланмоқда. Иккинчи томондан эса бу жараёнда ижтимоий адолат мезонлари қатъий сақланиб, аҳоли, айниқса, эҳтиёжманд қатлам манфаатлари муҳофаза этилмоқда.

Қарорга мувофиқ, жорий йил 1 майдан 2027 йил 1 апрелга қадар аҳолининг энг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича янги инструментлар амалиётга киритилди. Жумладан, электр энергияси истеъмоли бўйича — ойига базавий меъёрдан 150 киловатт/соатгача,

табiiй газ истеъмоли бўйича — иситиш мавсумида ойига 250 куб метргача, қолган даврларда эса 150 куб метргача ортиқча сарфланган қисми учун давлат томонидан компенсация тўланади.

Тасаввур қилинг: мезонларга тўғри келувчи оила бир ойда 350 киловатт/соат электр энергияси сарфлади. Ушбу сарфнинг 200 киловатт/соати учун оила ўз ҳисобига 600 сўмдан пул тўлади. Лекин 201 киловаттдан 350 киловаттгача бўлган қўшимча 150 киловатт/соатнинг нархдаги фарқи давлат томонидан қоплаб берилади.

Бу нима дегани? Оила ўз истеъмоли доирасида эркин фойдаланиши мумкин, аммо ортиқча харажатнинг оғир юки елкасига тушмайди. Чунки давлат бу юкни ўз зиммасига олиб, оиланинг қўлида қўшимча маблағ қолишига шароит яратди. Бу маблағ болаининг таълими, уй шароитини яхшилаш ёки оиланинг бизнес ташаббусларини амалга оширишга сарфланиши мумкин.

Мазкур имтиёз кимлар учун амал қилади?

— Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими орқали болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи (оилада неча киши бўлса, уларнинг биргаликдаги ойлик даромади тенг тақсимланганда 669 минг сўмдан кам чиққан оилалар);

— “Камбағал оилалар реестри”га киририлган оилалар;

— реестрларга киритилмаган, бироқ моддий аҳоли бўйича кам таъминланган; — оиладаги жон бошига даромади минимал истеъмол харажатининг 1,5 баробаридан ошмайдиган оилалар.

Демак, компенсация шунчаки ҳисоб-ки-тоб эмас, балки оилалар тақдирини ўзгартирувчи, уларни фаровон ҳаётга етакловчи инсоний омилга айланмоқда.

Жорий йил 1 майдан буён мамлакатимизда компенсация тўлови учун 1,66 миллиондан зиёд ариза топширилган. Улар замонавий ахборот тизими орқали тўлиқ электрон скриндан ўтказилди. Натижада аризаларнинг 82,1 фоизи белгиланган мезонларга мос деб топилди. Бу ишлар инсон омилидан йироқ, шаффоф ва адолатли рақамли механизм асосида амалга оширилган.

Мазкур тизим орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож 330,5 мингдан зиёд оила давлат қўллаб-қувватловига қамраб олинди. Уларга 13,2 миллиард сўм компенсация тўлаб берилди.

Бразилияда энергетика бозорини эркинлаштириш жараёни аҳолининг заиф қатламини ҳам эътибордан четда қолдирмапти. Мамлакатда кам таъминланган оилалар учун қўшимча субсидия жорий этилиши ва натижада 60 миллиондан ортиқ хонадон қамраб олинishi режалаштирилмоқда.

Буюк Британиядаги “Great British Insulation Scheme” дастури доирасида паст даромадли оилаларнинг уйига қўшимча изоляция ўрнатилмоқда. Натижада уларнинг йиллик энергия учун харажати ўртача 300-400 фунтгача қисқаришига эришилмоқда.

Бундан ташқари, хорижлик мутахассислар фикрича, агар кам таъминланган оила ўз даромадининг 10 фоизидан ортигини энергия харажатларига йўналтирса, бу ҳолат “энергетик камбағаллик” сифатида баҳоланади. Шу жиҳатдан олганда, юртимизда жорий этилган компенсация тизими аҳолини бундай хавфдан асрашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ў, аввало, кам таъминланган оилаларнинг ортиқча молиявий юк остида қолишининг олдини олади, ҳаётий эҳтиёжлари издан чиқмаслигини кафолатлайди.

Қисқаси, ушбу қарор энергетика соҳасини замонавий бозор қонунари асосида ривожлантиришга туртки бериш баробарида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашнинг мулкқо янги тизимини ҳам шакллантирди. Компенсация ва имтиёзлар механизми ҳар бир хонадон учун илоҳиз харажатларини енгиллаштириш билан бирга келажақдаги режаларига йўл очмоқда.

## БУ КАСБДА ҲАЁТ САБОҒИ БОР



Мадинабону ЖЎРАЕВА,  
Ижтимоий ҳимоя миллий  
агентлиги масъул ходими:

Ҳозир бу йўналишда маҳаллаларда фаолият юритаётган 9000 дан ортиқ ижтимоий ходим аҳолининг эҳтиёжларини ўрганиш, муаммоларни аниқлаш ва манзилли ёрдам кўрсатиш орқали ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий таянчига айланмоқда. Улар жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари билан тўғридан тўғри мулоқотга киришиб, давлат хизмати ва инсонпарварлик миссиясини амалга оширмоқда.

Бугун ижтимоий хизматлар кейс менежмент ёндашув асосида амалга оширилаётгани тизимни сифат жиҳатдан янги bosқичга олиб чиқди. Бу ҳар бир фуқаро учун алоҳида “ижтимоий иш” яратилиши, унинг ҳолати ҳар томонлама баҳолалиши ва турли ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликда интеграциялашган хизматлар кўрсатилишини англатади.

Маҳалладаги ижтимоий ходим бу хизматларнинг барчасини бир нукта орқали уйғунлаштирувчи, муурожаатларни қайд этиш, баҳолаш ва назорат қилиш бўйича масъул мутахассис сифатида ишламоқда. Уларнинг 65 фоиздан ортиги хотин-қизлар экани ижтимоий кўмакка муҳтож қатлам — болалар, ногиронлиги бўлган шахслар, зўравонлик

қурбонлари билан ишлаш ва қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ижтимоий ходим бўлиш учун малака талабларига жавоб бериш муҳим бўлса-да, бунинг ўзи етарли эмас. Бу касб нафақат билим ва тажриба, балки инсонпарварлик, бағрикенглик ва юксак масъулият талаб қилади. Зеро, ҳаётда синовларга дуч келадиган инсонларнинг дардини тинглаш, тушуниш ва муаммоларига ечим топиш учун ушбу соҳа мутахассисларидан қатъий, сабр-тоқат, ёрдам беришга тайёрлик ва ишончли муомала каби фазилатлар талаб этилади.

Шу сабабли ижтимоий ходим фақат хизмат кўрсатувчи эмас, балки инсонларнинг ҳаётига ижобий ўзгариш кирита оладиган, муҳими, уларнинг ишончини қозона оладиган шахс бўлиши лозим. Бу эса соҳада ишлашга талабгорлардан ўзига хос билим ва салоҳият талаб этади. Бугун ана шундай масъулиятли касбда ишлаш иштиёқидатилар

тобора кўпайиб бораётгани қувонарли. Худудларда ижтимоий иш бўйича бўш ўринларга 100 нафаргача номзод давогарлик қилади. Бу рақам ёшларнинг ижтимоий адолат, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзишга ички тайёргарлиги ва масъулиятини аққол намоён этмоқда.

Ижтимоий хизматлар орқали жамиятга манфаат келтиришни ўз олдига мақсад қилган юрдошларимиз сони ортиб бориши соҳа келажаги истикболли эканини англатади. Шу боис, ушбу тизимни изчил такомиллаштириб боришга эътибор қaratилмоқда. Бу жараёнда илгор халқаро тажрибаларни ўрганиш ҳам инобатга олинган.

Халқаро тажрибага эътибор қаратсак, Германия, Финляндия ва Канада каби давлатларда ижтимоий иш институти аҳоли билан

ишланиннг асосий механизмларидан бирига айланган. Ўзбекистонда ҳам ушбу амалиёт босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Бу касбда ҳар бир кунда янги дарс, ҳар бир учрашувда янги ҳаёт сабоғи бор. Шу билан бир қаторда, ижтимоий ходим ўзи ҳам доимий ривожланиши, билим ва кўникмаларини ошириб бориши лозим. Агентлигимиз томонидан бу борада ушбу ҳодимларга ёрдам кўрсатиш мақсадида турли ўқув-услубий тадбирлар, тажриба алмашиш бўйича мулоқотлар ташкил этилмоқда. Ҳар йили ўтказиладиган “Энг фаол ижтимоий ходим” кўрик-танлови ҳам бу борада самара бермоқда. Ушбу тадбир орқали ижтимоий ходимларнинг оғир тақдирлар билан юзма-юз келган воқеалари омма эътиборига тақдим этилади.

\*\*\*

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги кенг қамровли ислохотлар, аввало, инсон ҳуқуқи ва манфаатини ҳимоялаш, қадрини улуғлашга хизмат қилмоқда. Албатта, бу жабҳадаги эзгу ишлар бардавом бўлиши учун давлат дастури ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса тизимда ишляётган ҳар бир мутахассис, айниқса, ижтимоий ҳодимлардан улкан масъулият талаб этади. Зеро, ижтимоий ҳодимлар ўз фаолияти билан инсонларни ижтимоийлаштиришга ҳисса қўшади — бола мактабга қатнайди, она зўравонликдан қутулади, ўзгалар кўмагига муҳтожларнинг ҳаётига мазмун қиради.

Бу кичик юмушлар кўмакка муҳтожлар ҳаётини тубдан ўзгартириб, жамиятда ўз ўрнини топишига туртки бўлмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, камбағалликни қисқартириш, халқимиз учун муносиб шароит яратиш бораидаги ислохотлар изчил давом этиш экан, бу эзгу ишлар юртимизда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган адолатли ва инсонпарвар сиёсат намунаси сифатида тарихда қолади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири  
Баҳор ХИДИРОВА тайёрлади.

## ЁРДАМНИНГ БОШЛАНҒИЧ НУҚТАСИ



Фарид НАЗАРОВ,  
Ижтимоий ҳимоя миллий  
агентлиги масъул ходими:

— Мамлакатимизда эҳтиёжмандлар алоҳида эътиборга олиниб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашмоқда. Бу каби оилаларга меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда кўмаклашилмоқда. Камбағал хонадонларга 110 дан ортиқ турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдамлар тақдим этилади. “Камбағал оилалар реестри”га киритиш тартиб-таомиллари қонунчилик ҳужжати даражасида белгиланади. Уларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режалар тасдиқланиб, манзилли хизмат ва ёрдам кўрсатилади. Бундай инсонлар бандлигини чекловчи омилар бартарф этилиб, даромад топишига шароит яратилади.

Бу борада “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури йўлга қўйилгани муҳим қадам бўлди. Ушбу дастур доирасида “Камбағал оилалар учун еттига ижтимоий ва масъулият тамойили” доирасида аҳолини барқарор даромад билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш ва оилаларнинг имкониятини кенгайтириш бўйича кенг қамровли ишлар бажарилапти.

Дастурнинг муҳим жиҳати шундаки, “бир марталик ёрдам” эмас, балки аҳолини ижтимоий-иқтисодий фаоллаштиришга қаратилган барқарор механизм сифатида ишламоқда. Яъни оилаларнинг ички салоҳиятини ривожлантириш, камбағалликка таъсир қилаётган омилар билан ишлаган ҳолда, оиланинг барқарор фаровонликка эришиши бўйича ишлар бажарилапти. Бундан қўзланган мақсад оиланинг қайта камбағалликка тушиб қолиши ва авлодларо камбағаллик занжирини узишдан иборат. Бунинг учун камбағал оилалар фарзандларини мактабгача таълим, қўшимча тўғаракларга жалб қилиш чоралари кўрилмоқда.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури бошлангандан буён мамлакат бўйлаб 1 миллион 277 минг оиланинг ҳолати чуқур ўрганилиб, ҳар бирининг моддий аҳоли, турмуш шароити, таълим ва соғлиққа эҳтиёжи, шунингдек, психологик ва ижтимоий ҳолати атрофича таҳлил қилинди. Шу асосда ҳақиқий эҳтиёжманд ва давлатнинг вақтинчалик қўллаб-қувватловига муҳтож оилалар “Камбағал оилалар реестри”га киритилди. Дастурнинг дастлабки йилида 667 минг оила (2,8 миллион киши) ушбу реестрга киритилди.

Жорий йилнинг 9 ойда “Камбағал оилалар реестри”даги хонадонларнинг ўртача жон бошига даромади қарийб икки баробар ошди. Бундан ташқари, даромадга эга бўлмаган 72,6 минг оиланинг расмий даромад манбаи

яратилди. Кўрсатилган ижтимоий ёрдам ва хизматлар натижасида 148 минг оила, яъни 581 мингга яқин киши камбағалликдан чиқшига муваффақ бўлди.

Таҳлилларга кўра, ушбу оилаларнинг 64 фоизи ёки 95 минг хонадон расмий даромадини барқарор ошириб, мустақил иқтисодий салоҳиятга эга бўлди. Яна 9000 оила янги мулкка эгаллик қилиши билан моддий мустақиллигини мустаҳкамлади. Натижалар дастур камбағалликдан чиқаришда чинакам ижтимоий лифтва айланаётганидан далолат беради.

Албатта, камбағаллик фақат даромаднинг етмаслиги эмас, балки кўп ўлчовли характерга эга. “Камбағал оилалар реестри”га кирган оилалар учун фарзандларини таълимга жалб қилиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизмат ва ёрдамдан фойдаланиш имконияти яратилмоқда.

Аҳоли фаровонлиги ўзгариши турлича намоён бўлмоқда. Батзи оилалар тезроқ натижага эришса, бошқалари кўпроқ вақт ва ресурс талаб этмоқда. Шу сабабли 2025 йил 15 майдан бошлаб “Камбағал оилалар реестри”даги оилаларни учта тоифага ажратиб, дифференциал ёндашув жорий этилди.

Ижтимоий ҳимоя тизими энди фақат моддий ёрдам бериш билан чекланиб қолмапти, балки маънавий-руҳий муҳит, фарзандлар тарбияси, ота-оналарнинг ишга муносабати, ҳис-туйғулари ва психологик ҳолатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айнан шу мақсадда “Фаровон оила” ташаббуси доирасида оилаларнинг имконияти ва салоҳиятини намоён этишга қаратилган мақсад тренинглари йўлга қўйилди. Ҳозирга қадар 2,6 мингдан ортиқ оила вакиллари ушбу тренингларда фаол иштирок этиб, дунёқарабини фаровонлик сари ўзгартиришга эришди.

Ана шу жиҳатларни инобатга олиб айтиш мумкинки, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури мамлакатимиз ижтимоий сиёсатининг янги босқичини белгилаб берди. Дастурнинг асосий қудрати — барча давлат идораларини ягона мақсад — инсон қадрини оширишга бирлаштиришида. Йил охиригача камбағалликни 6 фоизга тушириш режалаштирилган. Бу босқичда камбағалликдан чиқаришнинг қолидиги ечимлар эмас, балки ҳар бир ҳаётий вазиятга алоҳида ёндашилиб, албатта, қўзланган мақсадга етилади.

Давлатимиз раҳбари Наманган вилоятига ташрифи чоғида соҳани ривожлантириш билан боғлиқ янги ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига энди деменция ва паркинсон каби касалликлар билан оғирланган учун ҳам қараб туриш хизмати йўлга қўйиш топширилди. Шунингдек, кундузги парвариш хизматларига қўшимча равишда ногиронлиги бор болаларнинг функционаллигини оширишга қаратилган реабилитация ва педагогик хизматларни жорий этиш муҳимлиги қайд этилди. Бундай муҳим топшириқларни ўз вақтида рўёбга чиқариш учун барча имкониятдан самарали фойдаланамиз.



Сардор ТОЛИБОБОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бугун дунёда барқарор ва тараққий этган ҳар қайси давлатга назар ташласангиз, уларнинг юксалишида ўз йўлини мустақил белгилай олиш муҳим ўрин тутadi. Яқинда мустақиллик байрамини нишонладик. Ўтган 34 йиллик тарих шунчаки муддат эмас, балки миллият тафаккурининг, жамият кадриятларининг ва давлат салоҳиятининг тубдан ўзгарган даври бўлди. Бу йиллар давомида одамларнинг қарашларида эркинлик билан бағрикенглик уйғунлашди, иқтисодиётимиз ўз салоҳиятига таяниб ўсди, ижтимоий барқарорлик эса реал ҳаёт манзарасига айланди. Ҳар бир инсон бу ўзгаришларни ўз ҳаёти, орзу-мақсадлари ва имкониятлари орқали ҳис қилиши мумкин.

Эркинлик буюк неъмат, аммо уни сақлаш, ундан самарали фойдаланиш ва келгуси авлодларга янада мустаҳкам ҳолда топшириш учун эса ҳар бир фуқаронинг онгли ҳаракати, жамиятнинг бирлашган саъй-ҳаракатлари талаб этилади.

Айнан шу нуқтан назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, иқтисодий мустақиллик давлат учун фақат молиявий мустақиллик эмас, балки иқтисодиётни ҳаётнинг ҳар бир соҳасига самарали интеграция қилиш, халқ фаровонлигини таъминлаш ва барқарор тараққиётга йўл очтидир. Бошқача айтганда, иқтисодий мустақиллик — ташқи таъсирлардан холи ҳолда ички имкониятларга суяниб, ўз салоҳиятини рўбга чиқара олиш қобилиятидир.

Бу борада Ўзбекистон сўнгги йилларда катта ютуқларга эришди. Давлат иқтисодиётида ташқи қарамлик босқичма-босқич камайиб, маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Энг асосийси, биз энди хомашё етказиб берувчи эмас, балки тайёр маҳсулотни экспорт қилувчи давлатга айланиб бормоқдамиз. Бу, шубҳасиз, иқтисодий мустақиллик сари ташланган дадил қадамлар натижасидир.

Биргина тўқимачилик соҳасини оладиган бўлсак, мамлакатимиз иқтисодиёти бир вақтлар айнан пахта хомашёсига боғлиқ ҳолда шаклланган эди. Пахта терими мавсумида мактаб ўқитувчи-ўқувчиларидан тортиб, шифокорларгача меҳнатга жалб қилинарди. Бу эса жамиятнинг фикрлаш тарзи, меҳнат муносабатлари ва иқтисодий фаоллигини маълум даражада чеклаб қўярди.

Кейинги йилларда бозор механизмлари жорий этилди, мажбурий меҳнатга қарши қатъий кураш бошланди. Натижада Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда фақат хомашё етказиб берувчи эмас, балки тўлиқ қайта ишлаш занжирига эга бўлган, тайёр маҳсулот экспорт қилувчи давлат сифатида танила бошлади.

## Тўқимачилик саноатида янги давр

Тўқимачилик саноати бугунги кунда нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун дунё иқтисодиётида энг муҳим ва стратегик тармоқлардан бири сифатида қаралмоқда. Бу соҳанинг аҳамияти ишлаб чиқариш ҳажмлари билан чекланиб қолмайди. У ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, миллионлаб аҳолига иш ўринлари яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш орқали мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ҳал қилувчи ўрин тутadi.

Ҳозирги кунда дунёда миллионлаб инсонлар тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида меҳнат қилмоқда. Қўллаб-маълakatлар, айниқса, ривожланаётган давлатлар экспорт тушумларининг катта қисmini айнан ушбу тармоқ орқали шакллантирмоқда. Сабаби бу соҳанинг ўзига хослиги — унинг кенг қамрови, қайта ишлаш имкониятлари ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар яратиш салоҳиятида намоён бўлади.

Мамлакатимизда тўқимачилик соҳаси миллий саноат ҳажмининг 14 фоизини ташкил қилиб, иқтисодиётга катта ҳисса қўшмоқда. Соҳада 500 мингдан ортиқ одам меҳнат қилади ва охириги беш йилда 396 та янги корхона фаолиятини бошлаган. Ишлаб чиқариш ҳажми 10 миллиард долларга етди, бу эса тўқимачилик саноатининг юксак салоҳиятидан далолат беради.

Бироқ дунё бозоридаги ўзгаришлар, талаб ва нархлардаги пасайишлар соҳани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун давлат томонидан тезкор ва самарали чоралар қўришни талаб қилмоқда. Масалан, сўнгги уч йилда жаҳонда пахта нархи бир тонна учун ўртача 3 минг доллардан 1,5 минг долларга тушган. Бу эса соҳада ишлаб чиқарувчиларнинг даромадини сезиларли даражада камайтирди.

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 13 август кунини тўқимачилик соҳасида экспорт имкониятлари ва захираларни ишга солиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда тўқимачилик соҳасидаги бир қатор муаммолар ўртага ташланди. Юртимизда тўқимачилик соҳасида муаммоларни ечиш мақсадида бу йил кластерларнинг 2022-2023 йиллар ҳосили учун кредитдан қарздорлиги гаров қўйиш шарти билан беш йилгача узайтирилган эди. Энди 1 августдан гарови тайин кластерлар фақат асосий қарзни тўлайди. Қишлоқ хўжалиги жамғармаси ва банкларга ҳисобланадиган фойзалар эса асосий қарз тўлиқ қопланганидан кейин ундирилади. Агар кластерлар ҳам асосий қарз, ҳам фойзини ўз вақтида тўласа, фойзининг жамғармага кетадиган қисмининг ярми тадбиркорга қайтарилади. Шунингдек, кластерларга 2022-2023 йиллар ҳосили учун берилган кредит бўйича 1 август ҳолатига юзага келган 377 миллиард сўмлик пенядан воз кечилади. Тижорат кредитидан мажбурияти бўлган 144 та корхонани молиявий соғломлаштиришга қўмаклашилади.

Аммо соҳада қўллаб-қувватлашнинг тижорат кредитлари бўйича қарздорлиги мавжудлиги ва халқаро сертификатларга эга



бўлган корхоналар фақат 16 фоизни ташкил қилиш рақобат муҳитида баъзи чекловлар яратиб қўлади. Кластерларнинг ёки халқаро майдонда Ўзбекистоннинг тўқимачилик маҳсулотлари учун имтиёзли экспорт шартлари яратилган, жумладан, “GSP+” тизимига қўшилган ва Европа бозорига божсиз экспорт қилиш имконияти берилган. Лекин брендлар билан ҳамкорлик ва экспорт ҳажми бу имкониятларга мос келмайди. Шу боис, соҳани янада ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва янги бозорларга чиқиш учун давлат даражасида кенг қўллаш имкониятлари ва дастурлар амалга оширилмоқда.

Авалло, соҳада молиявий соғломлаштириш ва таннархни камайтириш муҳим масала сифатида белгиланди. Кластерларнинг қарздорликлари борасидаги чора-тадбирлар янада такомиллаштирилди: кредитлар қарздорликлари гаров асосида узайтирилди, пенялардан воз кечилди, фойзаларнинг бир қисми тадбиркорларга қайтарилди. Бу тадбирлар тадбиркорлар учун катта енгиллик ва рағбатлантириш бўлади.

Шунингдек, фермерларга пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб олиш учун тоннасига субсидия берилиши белгиланди. Корхоналарга ўз маблағи ҳисобидан пахта етиштириш ёки харид қилишда хомашё қийматининг 10 фоизи қоплаб берилади. Тўқимачилик занжирини барча корхоналарга ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоизга туширилди, ижтимоий реестр бўйича талаблар соддалаштирилди.

Энди тўқимачилик корхоналарига ўз эҳтиёжи учун ўрнатилган қуёш панелларини электр тармоқларига улашга рухсат берилади. Бу эса энергия харажатларини камайтиришга ва экологик жиҳатдан тоза технологияларни жорий этишга хизмат қилади.

Янги ташкил этилаётган Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги тўқимачилик, чарм ва иппак саноатларига масъул бўлади. Агентлик учун алоҳида жамғарма ташкил этилади, бу жамғарма орқали давлат қўмаги ва арзон айланма маблағлар тақдим этилади. Бу таъкилотнинг асосий вазифаси таннархни камайтириш, ишлаб чиқаришни ошириш, экспортни кенгайтириш ҳамда кластерлар ва кичик корхоналарни қўллаб-қувватлашдан иборат.



Корхоналаримизни арзон ва сифатли хомашё билан таъминлаш мақсадида 2028 йил 1 январгача аралаш мато ва газламаларни божхона божидан озод қилиш белгиланди. Бу эса ишлаб чиқарувчилар учун муҳим енгиллик бўлиб, маҳсулот таннархини пасайтириш ва рақобатбардошликни оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг АҚШдан пахта импорт қилиш режаси — маҳаллий саноатни ривожлантириш ва халқаро бозорларда юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни етказиб беришга қаратилган стратегик қадам. Бу мамлакат тўқимачилик саноатини янги босқичга кўтариш, халқаро брендлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш учун жуда муҳим.

белгилаб қўйилди. Бу мақсадда халқаро стандартларга мос сертификатларни олиш учун барча имкониятлар яратилади. Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарига янги технологиялар, инновация ва юқори малакали кадрларни жалб қилиш учун махсус қўмак кўрсатилади.

Тўқимачилик соҳасида давлат томонидан амалга оширилаётган илоҳотлар нафақат иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш, балки ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва халқ фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Бунинг афқол ҳисоли сифатида мамлакатимизда яратилган миллионлаб иш ўринлари, ёшларнинг иш билан таъминлиниши ва экспорт салоҳиятининг кўпайишини келтириш мумкин.

Янги иқтидорларга тўла, рақобатбардош ва замонавий Ўзбекистон тўқимачилик саноати мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнамоқда ва бу йўлдаги илоҳотлар янада янги босқичларга олиб чиқади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил тадбиркорлар билан очик мулоқотида тез кулларда тўқимачилик соҳасида “Ишончли экспортчан” дастури йўлга қўйилиши таъкидланган эди. Дастур орқали экспортланиб молиялаш тизими жорий этилиб, соҳадаги тадбиркорларга самарали ёрдам кўрсатишга хизмат қилади. Бу мақсад учун 200 миллион доллар маблағ ажратилмоқда. Мазкур маблағлар фақат тўқимачилик тармоғи учун эмас, балки электротехника, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, фармацевтика каби экспорт салоҳияти юқори, лекин ҳали тўлиқ ишга солинмаган соҳалар учун ҳам мўлжалланган.

Яна бир муҳим янгилик — айланма маблағлар учун 500 миллион доллар ажратилиши режалаштирилмоқда. Маблағлар асосан юқори салоҳиятли экспорт тармоқларида фаолият юритувчи тадбиркорлар учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш қобилиятини ошириш ва янги бозорларга чиқиш йўлидаги тўқимачилик юмшатишга қаратилган.

Ушбу молиявий дастурлар ва инвестицияларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг рақобатбардошлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилиши билан бирга ички ва халқаро бозорларда ҳам мамлакат маҳсулотларининг обдорсини янада мустаҳкамлайди.

Давлат дастурлари корхоналарнинг техник база ва технологияларни замонавийлаштиришга, ишчи кучининг малакасини оширишга ҳам кенг имкониятлар яратadi. Ҳамда сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноати борасидаги яқинда қабул қилинган ушбу чора-тадбирлар нафақат соҳадаги муаммоларни ечиш, балки умумий иқтисодий ривожланишга ҳам катта ҳисса қўшади. Бу орқали мамлакатимиз ўзининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириб, халқаро бозорларда ўз ўрнини мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга, бу дастурлар аҳоли турмуш даражасини ошириш, иш ўринлари яратиш ва ёшларни тадбиркорликка жалб қилишга йўналтирилгани боис, ижтимоий аҳамияти ҳам жуда катта. Тадбиркорлик муҳити

яхшиланиб, мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланиши учун замин яратилади.

## Ўзбекистон АҚШдан пахта импорт қилади

Ўзбекистон тўқимачилик саноати жадал ривожланиб, халқаро бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлашга интилаётган бир пайтда мамлакатнинг Америка Қўшма Штатларида пахта импорт қилиш режаси кўпчилиكنинг диққатини тортмоқда. Бу гоя аввалги аънавий хомашё манбалари — маҳаллий пахтага бўлган ишонч ва устуворлик билан бирга нима учун янги йўналишга ўтиш кераклигини тушунишни талаб қилади.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Ташқи савдо департаменти директори Иномжон Абдурахмоновнинг маълум қилишича, АҚШдан пахта харид қилиш режаси мажбурий чора эмас, балки Ўзбекистон тўқимачилик саноатини жаҳоннинг premium бозорларига олиб чиқишга қаратилган стратегик қадамдир. Бу мақсадга эришиш учун замонавий ва сифатли хомашё талаб қилинади ва шу жиҳатдан АҚШ пахтаси — дунёда энг яхши сифати ва барқарорлиги билан танилган манба ҳисобланади.



Кейинги йилларда пахта или, трикотаж мато ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш бир неча баробар қўлайди, ички қайта ишлаш даражаси эса 100 фоизга етди. Оқибатда мамлакатда пахтанинг барча ҳосиллари маҳаллий фабрикаларда тўлиқ қайта ишланаётти. Шу билан бирга, маҳаллий пахтанинг сифати ва иқлим шароитлари ҳар доим ҳам юқори premium сегмент талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди.

Импорт қилинган пахта эса ички хомашёни алмаштириш учун эмас, балки халқаро шартномалар ва буюртмалар бўйича юқори талабларга жавоб бериш мақсадида қўлланилади. Бу Ўзбекистон маҳсулотла-

рини “Made with U.S. Cotton” ёрлиғи билан тақдим этиш ва халқаро premium брендлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятини оширади.

Туркия, Бангладеш, Вьетнам, Ҳиндистон каби етакчи тўқимачилик мамлакатлари ҳам ўз хомашёсини Америка, Бразилия ва Австралиядан импорт қилади. Бу уларга юқори стандартларга жавоб берадиган, сертификатланган ва кузатиш имкониятига эга маҳсулот ишлаб чиқаришга шароит яратади. Ўзбекистон ҳам ана шундай йўлни танлаб, ўз маҳсулотларини халқаро premium сегментда намоиш этишни мақсад қилмоқда.

Бундан ташқари, халқаро мода ва бренд бозорида “трассабилити” — яъни маҳсулотнинг пайдо бўлишдан тортиб, сотишгача бўлган барча босқичлари ёзиб борилиши талаб қилинади. АҚШ пахтаси ушбу талабларга жавоб беради.

Ўзининг юқори сифатли “Strict Middling” тури билан ажралиб турадиган АҚШ пахтаси узун толали, мустаҳкам ва бир хил рангга эга бўлиб, Levi’s, Ralph Lauren, Puma, Gap каби йирик ва нуфузли брендлар талабларига тўлиқ жавоб беради. Ўзбекистонда эса иқлим ва технологик шароитлар туфайли ушбу наъни етиштириш қийинлиги сабабли уни импорт қилиш иқтисодий жиҳатдан мақбул ечимга айланди.

Америка пахтаси “U.S. Cotton Trust Protocol” стандартлари асосида барқарорлик ва атроф-муҳитга эътибор қаратилган тарзда ишлаб чиқарилади. Бу жаҳон миқёсидаги экологик ва ижтимоий талабларга мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳимдир.

Ўзбекистон пахтани импорт қилишда молиявий жиҳатдан ҳам қўлай шартларга эга. АҚШнинг GSM-102 дастури орқали пахта 12-18 ойлик кечиктирилган тўлов билан олиш имконияти мавжуд. Бу корхоналарга маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш учун зарур хомашёни олгач, фақат кейинроқ тўловни амалга ошириш шароитини яратadi.

Тадбиркорларга молиявий оқимларни яхшироқ бошқариш ва самарали ишлаш имконини беради. Импорт қилинган пахта фақат юқори маржали ва фойдалилиги юқори бўлган шартномаларда қўлланилади, яъни бу иқтисодий жиҳатдан оқилона қарор ҳисобланади.

Бу пахтани импорт қилиш орқали Ўзбекистон халқаро бозордаги имижини мустаҳкамлайди. АҚШ ва Европа Иттифоқи бозорларидан Ўзбекистон маҳсулотларига ишонч ошади, янги инвесторлар ва йирик буюртмалар жалб қилинади. Бу тўқимачилик саноатини стратегик равишда ривожлантириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишга хизмат қилади.

Юқори сифатли хомашё билан таъминланган ҳолда, Ўзбекистон ўз маҳсулотлари билан халқаро брендлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришга мослаштириб, халқаро бозорларда рақобатбардошлик даражасини оширади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz\_official

Таълим одимлари

# ТОШКЕНТ ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ ЙИРИК АНЖУМАНИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Гулчехра РИХСИЕВА,  
филология фанлари номзоди, профессор

Туркий давлатлар ташкилоти таълим соҳасидаги ҳамкорлики доимо устувор йўналиш сифатида белгилаб келади. Бу ҳамкорлик давлатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва туркий халқлар келажагини шакллантиришга хизмат қилади. Бунга Президентимиз Туркий давлатлар ташкилотининг Озарбайжонда бўлиб ўтган навбатдаги саммитидаги нутқидан ҳам алоҳида тўхталиб, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорлики янги босқичга кўтариш муҳимлигини, Ўзбекистон 2025-2026 йилларда 100 дан зиёд университетни ўз ичига олган Туркий университетлар иттифоқига раислик қилишини айтди. Тошкент шаҳрида келгуси ҳафта иттифоқ Бош Ассамблеяси йиғилиши ўтказилишини маълум қилди.



Туркий давлатларнинг умумий маданияти, тили ва тарихи ўзига хос. Шу боис, таълим соҳасида ҳамкорликини ривожлантириш, академик алмашинуви кучайтириш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинув дастурларини йўлга қўйиш ҳамда таълим стандартларини уйғунлаштириш орқали умумий билим базасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туркий университетлар иттифоқи 2012 йилда таъсис этилган. Ҳозиргача унинг 7 та Бош Ассамблеяси ҳамда ректорларнинг 1 та махсус йиғилиши ўтказилган. Иттифоқ тарихидан Қозғистон, Туркия, Озарбайжон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Венгриянинг бир қатор университетлари жой олган. Улар орасида Ўзбекистондаги Тошкент давлат шарқшунослик университети, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Қўқон давлат университети, Тошкент халқаро университети, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети каби олий таълим муассасалари бор.

Иттифоқнинг асосий йўналишларидан бири Орхун алмашинув дастуридир. Бу ташаббус академик мобилликини кенгайтириш, институтлараро ҳамкорликини ривожлантириш ва туркий давлатлар университетлари ўртасида алоқалар-

ни мустаҳкамлашга қаратилган. Дастур 2017-2018 ўқув йилида йўлга қўйилган. Шу йили аъзо университетларнинг халқаро муносабатлар ва сиёсатшунослик йўналишидаги 43 талабаси ушбу дастурда қатнашди. Кейинги йилларда Болонья, “Erasmus+” дастури ва Европа кредит тизимини интеграция қилиш бўйича уч-рашувлар ўтказилди ҳамда дастур низоми қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди.

Орхун алмашинув дастури қуйидаги стратегик мақсадларни кўзлашди:

- ТДТнинг аъзо университетлари ўртасида академик интеграция ва мобилликини ривожлантириш;
- олий таълим тизимларини халқаро стандартларга мослаштириш;
- минтақавий ривожланиш, илмий тадқиқот ҳамкорлиги ва инновацияларга қўмаклашиш.

Дастурнинг вазифаси стратегияни режалаштириш, алмашинуви бошқариш, марказлаштирилган олий таълим базасини яратиш, ҳамкорликини ривожлантириш ва муҳомадалар олиб боришни ўз ичига олади. Молиялаштириш манбалари сифатида аъзо университетлар тўловлари ва хусусий сектор ҳомийликлари белгиланган. Маблағлар мобиллик грантлари, қисқа муддатли таширлар, қўшма дастурлар, илмий тадқиқотлар ва коммуникация компанияларига йўналиш қилади.



ТДТ нафақат таълим соҳасида, балки маданий меросини асраш ва тарғиб қилиш бўйича ҳам ташаббуслар кўрсатмоқда. Шу жумладан, туркий халқлар умумий тарихини ўрганиш, ёзув меросини ўқув дастурларига киритиш масаласи ҳамда туркий тиллар ва диалектларни чуқур ўрганиш, ягона илмий тадқиқот базасини яратиш ишлари олиб боришмоқда. Таълим соҳасидаги фаолият нафақат минтақавий, балки халқаро даражада ҳам эътироф этиляпти. Чунки бу йўналиш ёш авлодни глобал илмий майдонга олиб чиқиш ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Ташкилот таълим сиёсати фақат замонавий билимларни эмас, балки туркий халқлар умумий қадриятлари, тарихий ил-диёлари ва маданий меросини ёш авлодга етказишни ҳам кўзлашди. Шу сабабли таълим лойиҳаларида туркий тарих, адабиёт ва тиллар алоҳида ўрин тутади.

Таълим тизимида туркий давлатлар таълим стандартларини ишлаб чиқиш академик мобиллик йўлга қўйилишига, рақамли таълим, онлайн курслар ва замонавий технологиялардан самарали фойдаланишга имкон беради ҳамда бу орқали туркий дунё ёшларини глобал рақобатга тайёрлайди. Шунингдек, илмий тадқиқотларни рўёбга чиқариш натижасида қўшма илмий марказлар, лабораториялар ва стартапларни ташкил этишга йўл очади.

Ташкилотнинг илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, илмий анжуманлар ўтказиш борасидаги фаолиятида Ўзбе-

кистон университетлари билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. 2022 йилда Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳамда Истанбул ва Мармара университетлари билан ҳамкорликда Туркияда Маҳмуд Кош-ғарийнинг “Девону луготит турк” асари тадқиқи мавзусида ўтказилган илмий анжуман, 2024 йилда Самарқанд Ипак йўли ва туризм университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети билан ҳамкорликда Самарқандда Афросиёб тарихига оид илмий анжуман, 2025 йил апрель ойида Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Эге университети билан ҳамкорликда Темурийлар тарихида тил ва маданият масалаларига оид ташкил этилган илмий анжуманлар бунинг аққол исботидир.

Келгуси ҳафта Туркий университетлар иттифоқининг пойтахтимизда бўлиб ўтадиган навбатдаги йиғилиши бу борадаги ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Тадбир дастури бой. Хусусан, режага кўра, унинг доирасида “Алп Эр Тўнга (Афросиёб) авлодлари — Қорахонийлар: Туркий дунё ва ислом олами Қорахонийлар даврида” мавзусида эллар аро илмий йиғин ўтказилиши белгиланган. Мазкур тадбир Тошкент давлат шарқшунослик университетида бўлиб ўтади.

Ушбу илмий анжумани ўтказишдан мақсад умумий тарихни англаш, биргаликда баҳо бериш ва ёшларга ҳақиқий тарихни етказиш асосида туркий халқларни янада яқинлаштириш. Қорахонийлар даври умумий тарихий ва маданий меросини оммалаштириш орқали туркий давлатлардан сайёҳларни жалб қилиш ҳамда у билан боғлиқ масканларни “Табаррук зиёрат” лойиҳасига қўйиш ва уларнинг электрон харитасини яратишдир.

Анжуманда ТДТ раҳбарияти, иттифоқда аъзо университетлар раҳбарлари ва 100 дан ортқ олим иштирок этиши кутилмоқда. Бу каби илмий анжуманлар ёшлар учун ҳам яхши тажриба платформаси бўлади.

Туркий университетлар иттифоқи томонидан тадқиқотчиларга яратилаётган имкониятлар, албатта, илмий ва таълим дастурларида иштирок этиш ҳамда янги марраларни белгилашда, халқаро ҳамкорликини кенгайтиришда қўл келади.



## Бир минтақа, Бир овоз, бир куч

Қорақалпоғистонда Марказий Осиё педагоглари халқаро форуми ташкил этилди. У “Марказий Осиё педагоглари — бир минтақа, бир овоз, бир куч” шиори остида бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 80-йилиб сессиясидаги нутқида илгари сурилган ташаббуслар, жумладан, Жаҳон профессионал таълим саммитини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи форумнинг бош мавзуларидан бирига айланди.

Бу таклиф янги Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилётганини яна бир бор кўрсатди. Қолаверса,

тажрибаларни ташкил этиш бўйича интерфаол машғулотларда иштирок этди. Семинар якунида замонавий технологиялар асосидаги экотаямил нафақат билим бериши, балки болаларда масъулият, меҳр-оқибат ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

— Форум доирасида Нукус шаҳридаги Савицкий музейи ҳамда Бердақ номидаги Қорақалпоқ



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ  
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



саммит мамлакатимизга дунёдаги илгор тажрибаларни олиб кириш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда юртимиздаги ислохотлар, эришилган ютуқларни намойиш этиш имконини беради.

Марказий Осиё педагоглари халқаро форумини ушбу йўналишнинг бир қисми, десак муболаға бўлмайди.

Форум аввалида Марказий Осиё давлатлари таълим соҳаси раҳбарлари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокчиларга мурожаат йўналиди. Унда форумнинг аҳамияти, минтақавий ҳамкорликини кенгайтиришдаги ўрни таъкидланди.

Тадбирда Марказий Осиё давлатларининг етакчи педагоглари, таълим соҳаси фидойилари, БМТ, қатор халқаро ташкилотлар ҳамда Кембриж университети вакиллари иштирок этди. Нуфузли меҳмонлар янги Ўзбекистонда таълим трансформацияси ва унда халқаро алоқаларнинг ўрни ҳақида фикр билдирди.

— Форум доирасида “Экологик таълимда замонавий технологиялар” мавзусидаги семинар ташкил этилди. Унда экологик тарбия жараёнига интерфаол методларни жорий этиш, рақамли платформалар ёрдамида болаларда табиатга онгли муносабатни шакллантиришнинг самарали ёндашувлари ҳақида фикрлар алмашилди, — дейди Қозғистоннинг Остона шаҳридаги 80-мактаб-интернат биология фани ўқитувчиси Эрмак Аноркулов. — Ушбу форум орқали экологик лойиҳалар бўйича тажриба алмашиш. Фикр ва тақлифларимиз билан ўртоқлашдик. Шунингдек, меҳмондўст қорақалпоқ элнинг сайёҳлик объектлари, музейларини томоша қилдик.

Тадбирда иштирокчиларга видеоларлар, мобил иловалар ва виртуал лабораториялар асосида ишлаб чиқилган янги методик ишланмалар намойиш этилди. Амалий қисмда педагоглар экологик

давлат академик мусиқали театрга саёҳат уюштиришди. Театр тарихи, сахна ортдаги жараёнлар ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўлдик, — дейди Тожикистоннинг Душанбе шаҳридан ташриф буюрган Саидфари Саидгуфрон.

Иштирокчилар Чимбой туманида ҳам бўлиб, қорақалпоқ халқининг бой миллий анъаналари, миллий таомллари ҳамда хунарандчилиги билан яқиндан танишди.

— Ўзбек ва туркман халқларининг абадий дўстлиги форумда ҳам намойён бўлди. Қорақалпоғистоннинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди, — дейди Туркменистоннинг Тошкент шаҳридаги 26-мактаб ўқитувчиси Аллалар Вепалов. — Жумладан, Тахтакўпир туманидаги Борштов чўққисида ташкил этилган этноқийшлоқда халқингизнинг бой маданий мероси билан танишдик.

— Ушбу форум Марказий Осиё давлатлари учун жуда муҳим тадбир бўлди, — дейди қозғистонлик педагог Гулнора Мукашева. — Тадбир доирасида республикангизнинг қўлаб жойларига бўлиб, ўлкангизнинг ахойиб табиати ва меҳмондўст одамлари билан танишдик. Булар бизда катта таассурот қолдирди.

Форумнинг иккинчи қисмида педагоглар учун амалий ўқув семинарлари ташкил этилиб, унда таълимда инновацион ёндашувлар, рақамли технологиялардан фойдаланиш ва халқаро ҳамкорликини ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Мазкур форум Марказий Осиё давлатлари ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик, педагоглар учун тажриба алмашиш платформасини яратиш каби мақсадларга хизмат қилади.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“InnoWeek–2025”

## ИЖОДКОРЛИК ВА КРЕАТИВЛИК

### ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ХАЛҚАРО ҲАФТАЛИГИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон халқаро кўргазмалар марказида “InnoWeek–2025” VIII инновацион ғоялар халқаро ҳафталиги иш бошлади. Мазкур ҳафталик Президентимизнинг тегишли қарори асосида 8 йилдан буён анъанавий ўтказиб келинмоқда. Ўтган йилларда ҳафталик инновацион ишланмаларни намойиш этиш билан чекланиб қолмай, илгор технологияларни амалиётга татбиқ этиш, халқаро миқёсда билим ва тажриба алмашиш ҳамда стратегик ҳамкорликини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи муҳим платформага айланди.

400 га яқин инновацион лойиҳа ва ишланмалари 15 минг квадрат метрдан ортқ майдонда намойиш этилмоқда.

Ҳафталик доирасида иштирокчилар учун илм-фан, технология ва инновациялар соҳасидаги билим ва кўникмаларни ошириш, шунингдек, халқаро тажриба алмашиш имкониятини берувчи 30 дан ортқ илмий-амалий тадбир ташкил этилиши кўзда тутилган. Хусусан, халқаро даражадаги 18 та форум, конференция ва семинар, шунингдек, маҳаллий мутахассислар иштирокида 11 та учрашув ҳамда тақдирот ўтказилиши режалаштирилган. Мазкур тадбирлар инновацион экотизим вакиллари, олимлар, ёш тадқиқотчилар, стартапчилар ва соҳага қизиқувчилар учун долзарб мавзуларни муҳокама қилиш, энг сўнгги илмий янгилликлар билан танишиш ҳамда халқаро экспертлар билан бевосита мулоқот қилиш учун ноёб имкониятдир.

— Ўтган йилларда тайёр махсулотлар кенг намойиш этилган бўлса, бу йил ишланмаларга катта урғу берилди, — деди Инновацион ривожланиш агентлиги директори ёрдамчиси Фирдавс Нейматзода. — Павильонларда бизнес вакиллари ҳамда ихтирочилар билан суҳбатлар ташкил этиляпти. Инвесторларнинг ҳар бир ёш тадқиқотчининг ишланмаси билан танишиши, шу ерда шартнома имзолаб,

дастлабки кунда ташкил этилган “Инновацияларда маркетинг” мавзусидаги конференцияда муҳим аҳамият касб этилди. Унда Ўзбекистон маркетинг уюшмасининг тажрибали экспертлари иштирок этди. Панель сессияларда махсулотларни самарали реклама қилиш ва бренд яратиш жараёнига таъсир

стартп лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун имконият яратилмоқда.

Бугунги глобал иқтисодий ўзгаришлар шариоатида инновацион махсулот ва хизматларни бозорга олиб кириш, янги ихтиро ва ишланмаларни хариддорларга тўғри етказиш муҳим саналади. Бу борада ҳафталикнинг

стартп ташқири, ҳафталикда IV Ўзбекистон илм-фан форуми ташкил этилиши назарда тутилган. Унинг асосий мақсади илмий-инновацион фаолиятни янада ривожлантириш, олий таълимдан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш ҳамда ушбу йўналишдаги ислохотлар ва стратегик режаларни муҳокама қилишдан иборат.

Шу билан бирга, ҳафталик кунларида 10 га яқин давра суҳбати, муҳокамалар ва пленар сессиялар ташкил этилади.

Рисолат МАДИЕВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни



# Дунёнинг бош минбарига янграётган овозим

Гавҳархон МУҚАДДАСОВА,  
“Маънавият фидойиси”  
кўкрак нишони соҳиби

Олтин кузнинг дастлабки ойи — сентябрь адоғида жаҳон афкор оммасининг нигоҳи Нью-Йоркка қаратилди, десак муболаға бўлмайди. Боиси, БМТ Бош Ассамблеясининг юбилей анжумани — 80-сессияси муносабати билан кўплаб давлат ва ҳукумат раҳбарлари, таниқли сиёсатчи ва экспертлар тўпланди.

Биз учун муҳим жиҳати, ушбу нуфузли тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг олам аҳли эътиборини тортган ташаббусларга бой нутқи бўлди. Унда шиддат билан ўзгараётган мураккаб глобал вазиятда БМТ фаолияти ва келажагига янгича ёндашувлар билан қарашга чорлов ўз аксини топган.

Президентимиз ҳозир дунёда халқаро институтларнинг ўрни ва роли заифлашаётгани, қарама-қаршилик, низо ва урушлар кучайиб, технологик ва ижтимоий тенгсизлик кескин ошаётгани, иқтисодий ва гуманитар инқирозлар ортиб бораётганини таъкидлади. Буларнинг ҳаммаси мутлақо янги, хавотирли геосиёсий воқеликни вужудга келтирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг замонавий хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, ривожланаётган давлатларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида БМТ Хавфсизлик кенгашини трансформация қилиш ва таркибини кенгайтириш хусусидаги ҳар томонлама асосланган истиқболли таклифини мулоҳаза чигирингидан ўтказар эканмиз, бу фикрлар она тилимизда янграётгани, Ўзбекистоннинг жарангдор



тили халқимизнинг кўп асрлик маданияти, илмий-маърифий ва бадний тафаккури маҳсулидир. У аждодларимизнинг ҳаётини тажрибаси, маънавий мероси ва миллий онгини авлоддан авлодга етказиб келаётган бебаҳо бойлик.

Ўзбек тили давлат тили сифатида ҳаётимизнинг узвий бўлагидир. Нафақат расмий иш юритиш воситаси, балки жамиятимизни бирлаштирувчи маънавий омил. Халқаро саммитлар, музокаралар ва матбуот анжуманларида янграши эса ўзбек тилининг нуфузини янада оширмоқда. Шу билан бирга, хорижий мамлакатларда ҳам она тилимизга қизиқиш ортиб, уни ўрганишга эътибор кучаймоқда. Бу ҳолат тилининг фақат маҳаллий доирадагина эмас, балки халқаро миқёсда ҳам ўзига хос ўрин эгаллаётганидан далолат беради.

Глобаллашув даврида ҳар бир халқ ўз миллий манфаатларини таъминлаш учун, аввало, маданияти, қадриятлари ва она тилини асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратади. Миллий тилининг мавқеини мус-


ўзлигини англаши ва давлатчилик салоҳияти мустаҳкамланиши йўлида катта қадамдир.

Солиқ қўмитаси томонидан давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан тизимли ишлар қилинмоқда. Бунда асосий эътибор давлат тилига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратилляпти. Жумладан, 2021 йил 1 августдан бошлаб тизимдаги барча ҳужжатлар ва ёзишмалар лотин алифбосида юритилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 октябрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижроси юзасидан солиқ хизмати органларида ишлаб чиқариладиган барча меъёрий ҳужжатлар лойиҳаси матни лингвистик экспертизадан ўтказилляпти.

Бунгача матнга фақат имло, яъни орфографик нуқтаи назардан қаралган бўлса, энди тажрибали тилшуноснинг лексикологик, этимологик, синтактик, семантик, стилистик ва пунктуацион ёндашуви асосида кўриб чиқилляпти. Қўмитада тайёрланиб, ҳукуматга киритиладиган фармон ва қарорлар лойиҳасини экспертиза қилувчи мутахассиснинг солиқ терминологияси, шунингдек, компьютер лингвистикасидан хабардорлиги ҳам жиддий аҳамият касб этади.

Давлат тилининг қўлланлиш доираси илим-фан, тиббиёт, иқтисодиёт ва ахборот технологиялари каби соҳаларда ҳам тобора кенгаймоқда. Бу эса ўзбек тилининг имкониятлари кенг ва унинг замонавий



овози етти иқлимга ўзбекча таралаётгани диққатимизни тортди.

Кимдир “Бу биринчиси эмас, илгари ҳам ўзбек тилида нутқ сўзланган”, деб айтиши мумкин. Тўғри, она тилимиз дунёнинг бош минбарига ҳар сафар янги рағанида янада юракда янги туйғулар, миллий гурурини қайта жўш урдиришини таъкидламоқчимиз, холос. Зотан, ўзбек

таҳкамлаш эса миллий ўзлиқни англаш ва Ватанга садоқатни тарғиб қилишда бекиёс қадриятининг бажариладигани.

Кечагидек эсимда. Илгари ҳатто оддий ариза ёки маълумотномани ўзбек тилида ёзиш қийин эди. Бугун эса олий давлат идораларидан тортиб, маҳаллий бошқарув органларига ҳам она тилимизда иш юритилмоқда. Бу тарихий ютуқ миллатнинг

талабларга жавоб бера олиш қудрати юқори эканини кўрсатади. Бироқ ҳаётда қонун талаблари ҳамиша тўлиқ бажарилаётгани йўқ. Масалан, кўплаб дўкон ва хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги номлар давлат тили меъёrlарига зид тарзда хорижий тилларда ёзилмоқда. Бу ҳолат қонунчилик талабларини бузиш билан бирга миллий тилининг обрўсига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Аслида, “Давлат тили ҳақида”ги қонунга кўра лаваҳа, эълон ва жой номлари давлат тилида расмийлаштирилиши шарт. Меъёрий ҳужжатларда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Демак, ҳар бир пешлаваҳа ёки реклама номи лингвистик экспертизадан ўтказилиши зарур.

Ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам шундан далолат беради. Масалан, Францияда барча реклама ва йўлқўрсаткичлар фақат француз тилида ёзилиши қонун билан белгиланган, уни бузганлар эса катта жаримага тортилади. Россияда ҳам ҳар қандай ташкилот давлат тилида иш юритиши шарт.

Ўзбек тили шунчаки мулоқот воситаси эмас, балки миллий ўзлиқни белгилайдиган, маънавий тараққиётни таъминлайдиган бекиёс қадриятдир. Унинг мавқеини мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш ва келажақ авлодларга соф ҳолда етказиш барчамиздан масъулият ва ташаббускорликни талаб қилади. Зеро, миллий тилини қадрлаган халқнинг келажаги равшан бўлади.

# ЮЗ ЁШДА ХАМ УСТАХОНАДАН ЧИҚМАГАН МЎЙСАФИД

## “EURONEWS” НИГОҲИДАГИ ВОҲАНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ НИМАДА?

“Euronews” ижодкорлари Сурхондарёнинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида қизиқарли кўрсатув тайёрлади. Унда воҳа табиати ва анъаналарининг ноёб уйғунлигини ўзида акс эттирган ҳудуд сифатида кўрсатилди.



“Euronews” телеканали дунёнинг 155 мамлакатда 370 миллиондан ортиқ аудиторияга эга. Францияда 32 йил муқаддам ташкил этилган телеканал кўрсатувлари ўн уч тилда олиб борилади. Бу эса уни дунё бўйлаб кенг оммага алоқадор етказиш имконини янада кенгайтирди.

Телеканалнинг “Silk Road Adventures”, яъни “Ипак йўли саргузаштлари” дастурида эски Термиз, миллоднинг бошларига тегишли ёдгорликлар — Фаёзтепа ва Қоратепа буддавийлик археологик мажмуалари, фусункор Бойсуннинг диққатга сазовор жойлари ҳақида ҳикоя қилинди.

— Кўрсатувда Сурхон воҳасининг турли даврларга оид қатор тарихий обидалари, археологик ёдгорликлар, эко, гастрономик ва бошқа сайёҳлик объектлари, бундан ташқари, кейинги йилларда юртимизда сайёҳларни жалб этишга қаратилган ислохотлар ҳақида ҳам сўз юритилган. Таниқли археологлар, туризм соҳаси масъуллари сўзлаб берган маълумотлар эса кўрсатув янада жозибали бўлишини таъминлади, — дейди виллоят Туризм бошқармаси бўлим бошлиғи Шўҳрат Ибрагимов.

Унда миллий ҳунармандлик, урф-одат ва анъаналарга ҳам кенг ўрин берилган. Бойсун туманидаги осмонпур тоғлар қўйнида “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамбли санъаткорлари томонидан миллий қадрият ва урф-одатларимиз таранум этилган сахналар томошабин эътиборидан четда қолмайдди.

— Бойсунга келган киши Сурхонни бор бўйи-баста билан кўради, — дейди “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамбли созанда-си Бўриқул Жумаев. — Этнографик жамоамиз аждодлардан мерос қолган куй-қўшиқ ва рақсларни ижро этиб, халқимиз меҳрини қозонган. Жамоамиз репертуаридан суякли, сополли ҳамда оддий қамишли созларда ижро этиладиган куйлар ҳам кенг ўрин олган. Масалан, сибиғаннинг ҳам дардли, ҳам ўйноқи жаранги ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Чанковуз, сибиға каби миллий чолғуларимиз, айниқса, хорижликларда катта қизиқиш уйғотади. Жумладан, “Euronews” телеканали ижодкорларига аждодларимиз ақл-заковати билан яратилган бундай нафис мусиқий мерос намуналарини намойиш этиб фархландик.

“Бойсун” фольклор-этнографик ансамблининг Хўжақўчор ота тоғлари фонида намойиш этилган концерт дастури меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, ёрқин либослар, жонли ижродаги халқ қўшиқлари, анъана ва маросимлар воҳа маданияти бойлигини кўрсатган.

— Сурхондарё шунчаки борадиган жой эмас. Бу ҳис қилиш мумкин бўлган тирик ҳикоя. Бу ерга фильм олиш учун келдик, лекин биз ҳақиқий қалбларни топдик, — дея кўрсатувни янгулайди телеканал журналисти Акис Таттис.

Сурхондарё воҳаси ҳақидаги ушбу кўрсатув “Euronews” телеканалда кўрсатилиши бутун дунё сайёҳларининг воҳамизга қизиқишини оширади. Уларни туристик имкониятимиз билан яқиндан таништиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳўш, Сурхондарёда тарих ва табиат манзаралари, урф-одат ва анъаналардан ташқари яна нима-ларни кўрсатиш мумкин? Воҳа хали очилмаган, ўрганилмаган қўриқ янглиғ янги-

дан янги фусункор манзараларини сайёҳларга намойён этаверишига шубҳа йўқ. Келинг, айримларини қаламга оламиз.

Воҳа ноёб маданий ёдгорликлари, табиий мерос объектлари, гўзал табиат манзаралари, шифобахш зилол сувларга бой ҳудуд. Денов туманидаги Сина туризм қишлоғидаги Сумбулазор зиёратгоҳи ҳам барчани ўзига мафтун этётган масканлардан. Сина қишлоғи юқоридан адирик бўйлаб паства энади. Маҳаллий аҳолининг айтишича, бу ерда тарихи бир неча асрга тенг Сумбулазор зиёратгоҳи бор. Агар табиат қўйнида ҳузур ва сукут излаётган бўлсангиз, Денов туманидаги Сумбулазор саёҳати ажойиб танлов бўлади.

Бойсун туманидаги Юқори Мачай ҳудудида жойлашган Қирққиз ёдгорлиги ҳам сайёҳлар учун янги манзил. Қирққиз ёдгорлиги табиат



манзаралари, булоқлари ва мевазор боғлари билан эътиборга лойиқ. Бу манзил ҳақида турли ривоят ва афсоналар сақланиб қолган. Айрим ривоятларда айтилишича, бу ерда оқила, жасур ва эркаклар баробарида эл-юртни ҳимоя қилган қирқ аёл яшаган. Уларнинг жасорати, сабри ва фидойилиги халқ хотирасида абадий муҳрланган. Шу боис, бу жой Қирққиз деб номланган. Туризмни ривожлантириш доирасида мазкур ёдгорлиқни тарғиб этиш, у ҳақида афсоналарни тўплаш ва ҳужжатлаштириш, ҳудуддаги тарихий мерос объектларини сақлаш муҳим вазифалардан бири.

Виллоятдаги этномаданий муҳит ҳам сайёҳларни ўзига жалб қила олади. Масалан, Музработ туманидаги Наврўз маҳалласи гиламдўз ҳунармандлар маскани саналади. Улар Сурхон воҳасига хос гилам тўқиш сирларини пухта ўзлаштирган. Муҳими, ёш авлод ҳам ушбу ҳунарни ўрганмоқда. Маҳалла аёллари бир-бирдан ўрнак олиб, уйларида гиламчилик устахонаси очиб, бу соҳани касбга айлантирган.

қилиб олган. Бугун уста бобо ўз ҳовлиснинг бир чеккасини устахонага айлантирган. Қўлида болга, кўзида нур, қалбига эса ҳунарга садоқат. Чанковуз кўпчилик учун кичиккина мусиқа асбоби бўлиши мумкин. Аммо уста бобо учун бу дардин, зафарни баён этадиган темир тилдир.

— Отамизнинг ёши юздан ошган бўлса-да, ҳеч қачон ҳунарни ташламади. Ҳар куни уйғониб, тонгданоқ шў устахонага чиқади. Биз ҳам ундан ўргангизми, ҳунарни улуғлаш кераклигини англаймиз, — дейди бобонинг ўғли Бозор Эсанов.

Раҳмат бобонинг ҳаёт йўли ва фаолияти бугун бир йўналиш, бир ибрат. Зеро, ҳунар ҳам, номодий маданий мерос ҳам, табиат ҳам, қадим ёдгорликлар ҳам — энг катта мерос. Уни асраб-авайлаш вазифамиз, бурчимиздир.

Сарвар ТЎРАЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

